

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100 – 3.05
2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “25” 08

ЖУРНАЛИСТИКА АСОСЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Нурматов А.Н. – ф.ф.н., ЎзДЖТУ “Халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти.

Исомиддинова М.З. – ЎзДЖТУ “Халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Қосимова Н. – ф.ф.н., ЎзДЖТУ “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси доценти.

Раҳимов А. – “Маърифат” – “Учитель Узбекистана” газеталари бош муҳаррири (*кадрлар буюртмачиси*).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

“Журналистика асослари” фани доирасида талабаларга журналист касби ва унинг бошқа касблар билан алоқадорлиги, журналистика таълими, бу соҳада кадрларни тайёрлаш тизими, журналистика таълим шакллари, журналистика ва жамият, матбуот эркинлиги, журналистика функциялари, принцип ва вазифалари, жаҳон ОАВ системасининг шаклланиш тенденциялари ва турлари, халқаро ахборот бозори ва унинг қонуниятлари, ОАВ фаолиятининг иқтисодий асослари, иқтисодий ва ижтимоий таъсирлар, муассислик ва бошқарув, медиа-бизнес ва унда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқадиган замонавий тенденциялар каби муҳим назарий билимлар берилади. Фаннинг маъруза ва семинар машғулоти мамлакатимиз ҳамда ривожланган демократик давлатлар оммавий ахборот воситалари тизими, улар билан боғлиқ назарий ва амалий тажрибаларга таяниб тузилган. Мазкур фаннинг аҳамияти ахборот оламидаги сўнгги ўзгаришлар, унда мавзу ва шакл жиҳатидан универсаллашув ва ихтисослашув моҳияти, ОАВ турлари ва улар ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар, журналистиканинг ижтимоий институт сифатидаги хусусиятларида теранроқ намоён бўлади.

“Журналистика асослари” фани талабаларни жамиятда рўй берадиган ахборий жараёнларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва ахборотлаштириш асосида ислоҳ қилиш жараёнларининг моҳиятини тушунишда зарур бўлган билимлар билан қуроллантиради. Шунингдек, бу фан жамиятнинг ҳар бир аъзосини ғоявий жиҳатдан йўналтириш, маънавий дунёқарашини кенгайтириш, ахборий маданиятини оширишга таъсир кўрсатади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Журналистика асослари” умумқасбий фанлар блокига киритилган мутахассислик фани ҳисобланиб, 1-курснинг 1-семестри ва 2- семестрларида ўқитилади.

Дастурни амалга ошириш учун умумқасбий ва назарий фанлар билан тарихий фанларнинг ўзаро уйғунлигига эришиш керак. Хусусан, “Журналистикаси тарихи”, “Янгиликлар журналистикаси”, “Таҳлилий журналистика”, “Публицистика”, “Журналистиканинг халқаро ҳуқуқий асослари”, “Таҳрир маҳорати”, “Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” каби фанлар билан узвийлиги талабалардан ушбу фанлардан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлишини талаб этади.

Фаннинг илм-фан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Оммавий коммуникациялар жараёнида ахборот билан ишлаш ва у ҳақидаги назарий билимларга эга бўлиш давр талабига айланмоқда. Шунинг учун мазкур ҳолатларни кузатиш, ўрганиш ва уларнинг журналистиканинг етакчи тараққиёт тамойиллари ва тенденцияларига кўрсатадиган таъсирини ўрганишда мазкур фанга алоҳида талаблар қўйилади. Мазкур фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш, яъни ОАВ тизимининг ажралмас бўғинидир. Ушбу фан таркибига кирувчи назарий билимларни эгалламай туриб журналист-мутахассис бўлиш мумкин эмас. Чунки журналистика соҳасида ишлайдиган ҳар бир шахс бу фан мазмунидаги билим, малака, кўникмаларни ўз фаолиятида қўллайди.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Талабаларнинг “Журналистика асослари” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, замонавий инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар намуналаридан фойдаланилади. Маъруза ва семинар дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялар кўлланилади.

Талабаларнинг фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “ақлий ҳужум”, “дебатлар”, “инсценировка”, “жумбоқ”, “матбуот конференцияси”, “брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялар, ахборот олишнинг турли йўллари (расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, манбаларни қиёслаш, мантиқий мулоҳаза каби методлардан фойдаланилади.

Фан ўқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида “Журналистика асослари” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлиқ номи:	Журналистика асослари		
Курснинг қисқача номи:	ЖА	Код: ЖА	
Кафедра:	Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	ф.ф.н.доцент Нурматов Акбар Норматович	E-mail. akbar.nurmatov@mail.ru	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги	1 ва 2-семестр, 38 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	192	
	шунингдек:		
	маъруза	50	
	семинар	64	
	амалий мустақил таълим	78	
Ўқув курсининг статуси	Умумқасбий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Янгиликлар журналистикаси”, “Журналистика тарихи” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
Фаннинг предмети ва мазмуни: – талабаларга журналистик билимларнинг назарий асосларини, журналистиканинг асосий тушунчалари ва категорияларини, тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга йўналтирилган.			
Фанининг мақсади – талабаларда Ўзбекистон ҳамда жаҳон журналистикаси асослари юзасидан назарий тушунчалар ҳосил қилиш, мазкур фаннинг мазмун ва моҳиятини англаш,			

жаҳон журналистикасининг системасидаги корпорациялар, медиа-бизнес каби реаллийларни тушутиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- талабаларга журналист касби ва унинг бошқа касблар билан алоқадорлиги;
- журналистика соҳада кадрларни тайёрлаш тизими;
- талабаларда журналистик фаолият жараёнида қонуний талаблар асосида иш олиб бориш;
- журналистика таълими, назарияси, тизими, ижтимоий воқелиги, журналист одобига қўйиладиган талаблар ҳақида тасаввур уйғотишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Мазкур фанни ўзлаштириш жараёнида талаба:

- матбуот ва жамиятнинг ўзаро муносабати;
- ахборот – журналистиканинг асосий қуроли, воситаси эканлиги;
- журналистнинг таҳририятларни ахборот билан таъминлаш табиати;
- “оммавий ахборот” тушунчасининг асосий, таянч тушунча эканлиги;
- журналистика вазифалари системаси ва принциплари, эркинлик, зарурият, масъулият тушунчалари;
- журналистика – ижодий фаолият соҳаси сифатида ва журналистнинг ОАВда асосий шахс, субъект эканлиги;
- ОАВда универсаллик ва ихтисослашув, оммавий нашрлар, соҳа ва тармоқ нашрлари, махсус нашрлар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши:**
 - журналистиканинг ҳаракат кучлари ва уларнинг ўзаро муносабатларини;
 - ОАВ таҳририятлари, ахборот агентликлари, ахборот хизматлари, реклама ташкилотлари ва бошқа муассасаларни;
 - ҳаққонийлик ва холислик – журналистиканинг энг муҳим принциплари эканлигини;
 - жаҳон журналистикаси тараққиётининг асосий омиллари ва истикболини;
 - ОАВ вазифалари ва ўзаро таъсири ҳақидаги маълумотларни;
 - жамоатчилик ва ОАВнинг ўзаро муносабатини **билиши ва улардан фойдалана олиши:**
 - жаҳон журналистикасининг тарихий тараққиётига оид асосий принциплардан фойдаланиш;
 - ОАВ назарияси ва системаси тўғрисидаги билимларни амалиётда қўллаш олиш;
 - назарий ва амалий билимларни ўз фаолиятларида қўллаш;
 - ОАВ системасига ахборот ва коммуникатив технологияларнинг таъсири бўйича **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

Курснинг тематик таркиби ва мазмуни

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
1-семестр				
1.	“Журналистика асослари” фанининг мақсад ва вазифалари	2	2	2
2.	Журналистика таълимнинг юзага келиши	2	2	4
3.	Таълим шакллари	2	2	2
4.	Журналистикада касбий универсаллашув ва ихтисослашув масалалари	2	2	2
5.	Ахборот алоқалари, журналистиканинг пайдо бўлиши тарихидан	2	2	2
6.	Журналистика-ижодий фаолият соҳаси	2	2	2

	Жорий назорат (ЖН)			
7.	Журналист оммавий ахборот воситаси субъекти сифатида	2	2	2
8.	Журналистика — ижтимоий институт сифатида.	2	2	4
9.	Журналистиканинг вазифалари.	2	2	2
10.	Журналистика назариялари	2	2	4
	Оралиқ назорат (ОН)			
11.	Журналистика принциплари	2	2	2
12.	Журналистикада таъсирчанлик ва самарадорлик	2	2	2
13.	Журналистик фаолият эркинлиги	2	2	2
14.	Журналистикада маркетинг алоқалари	2	2	4
	Жорий назорат (ЖН)			
15.	Интернет ОАВ тури сифатида	2	2	2
16.	Жаҳон масс-медиа тизими	2	2	2
17.	ОАВ классификацияси ва халқаро журналистикадаги асосий тушунчалар	2	2	2
	Якуний назорат (ЯН)			
1-семестр бўйича жами		32	32	44
2-семестр				
18.	Босма матбуот — Print journalism: газеталар	2	4	4
19.	Print journalism: журналлар (magazines)	2	2	4
20.	Broadcasting journalism: радио	2	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
21.	Электрон ОАВ - Broadcasting journalism: телевидение	2	4	4
22.	Ахборот агентликлари ва Интернет журналистикаси - On-line journalism	2	4	4
	Оралиқ назорат (ОН)			
23.	Халқаро журналистикадаги замонавий жараёнлар ва медиа-бизнес	2	4	4
24.	Замонавий медиа-корпорациялар	2	4	6
25.	Ахборот бозори ҳамда медиа-бошқарув хусусиятлари ва принциплари	2	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
	Якуний назорат (ЯН)			
2-семестр бўйича жами		18	32	34
Умумий		50	64	78
Таълим бериш ва ўқитиш услуги:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)			
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, кроссвордлар, постер, проспект, эссе ва х.з.			

Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти	Кунлар	Вақти	Ауд.
1.			
2.			
3.			
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:			
ЖН ва ОН нинг баллари ишчи дастурда берилади			
Баҳолаш усуллари	Тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар ва ҳ.з.		
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	Назорат шакллари		
	Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, тест синовлари ёки бошқа кўринишда ўтказилиши мумкин.		
	Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони		
	Балл	Талабанинг билим даражаси	
	86 - 100 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, дастурий материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қила олади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллай олади; – талаба ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материални моҳиятини тушунади; – талаба тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўлларини излайди, дастурий материалларни билади ва айтиб бера олади ҳамда тасаввурга эга бўлади. 	
	71 - 85 балл	<ul style="list-style-type: none"> – талаба ўрганилаётган ҳодисалар алоқадорлигини билиш ҳамда объектни тавсифлай олиш кўникмасига эга бўлиши билан биргаликда, қўйилган масалаларни сабаб-оқибат алоқадорлигини очиқ берган ҳолда еча олади, ўрганилаётган назарий билимларни амалиёт билан боғлай олади ва мустақил мушоҳада қилади; – билим ва кўникмалар мазмунини тадбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, эслаб қолиш ва ёзиб олиш фаолиятини амалга оширади, билимларни амалиётда қўллай олади; 	

		– талаба машғулотларга тайёрланган, дастурий материалларни билади, моҳиятини тушунади ва тасаввурга эга.
	55 - 70 балл	– талабанинг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажара олади, моҳиятини тушунади; – талаба қатор белгилар асосида маълум объектни фарқлаш билан биргаликда унга таъриф бера олади ва ўқув материаллини тушунтириб бера олади ва тасаввурга эга.
	0 - 54 балл	– талаба тасаввурга эга эмас; – талаба дастурий материалларни билмайди.
Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар:		
Глоссарийлар:		
Ахборот ресурс база:		

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

1-модул. Журналистика асослари фанининг мақсад ва вазифалари

Халқаро журналист касби махсус билимлар, юксак малака ва қобилият тақозо этувчи меҳнат тури сифатида. Касбий ориентация, касбни танлаш сабаблари. Сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият туфайли ушбу сабабларнинг ўзгарганлиги.

Кишилиқ тамаддуни ва маданияти системасида журналистиканинг ўрни. Журналистик касбининг генезиси ва тараққиёти. Постиндустриал ахборий жамият даврида журналистика.

Халқаро журналист касбининг ўзига хослиги. Унинг универсаллик характери. Халқаро журналистика касбининг жамиятдаги ўрни ва роли. Халқаро ва мамлакатимиз қонунлари (ҳуқуқий ҳужжатлари)да журналистнинг мақоми. Журналистларнинг халқаро ва миллий ташкилотлари. Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳаси фани: бошланғич босқичлар” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

2-модул. Журналистик таълимнинг юзага келиши

Журналистик таълим тарихидан. АҚШ, Европа, Япония, Хитойда журналистлар тайёрлайдиган дастлабки мактаблар. Журналистлар тайёрлашда касб-хунар ва назарий система. Россияда 1904 йили журналистлар тайёрлайдиган дастлабки курсларнинг пайдо бўлиши. Собиқ Совет иттифоқида (унинг таркибига кирган Ўзбекистонда) журналист кадрлар тайёрлайдиган дастлабки курс, мактаб ва бошқа муассасалар: РОСТА қошидаги газета техник ходимлари курслари (1919), Москва журналистика институтининг ташкил этилиши (1921). 1928 йили Самарқанддаги олий партия мактабида журналист кадрлар тайёрлайдиган икки йиллик курснинг очилиши. XX

асрнинг 30-йилларига келиб турли соҳалар бўйича журналистлар тайёрлашнинг юзага келиши. Москвадаги Тил ва адабиёт институтида, Коммунистик академияда, Касабачилик ҳаракати олий мактабида махсус редакторлик курсларининг ташкил қилиниши ва уларда тайёрланган ўзбек мутахассислари. Университет таълимида журналист кадрлар тайёрлашга ўтиш: 1949 йили САГУ (Ўрта Осиё давлат университети) филология факультетида журналистика бўлимининг ташкил этилиши, унинг 1967 йилга келиб факультетга айланиши. 1995 йилга келиб ТошДУнинг журналистика факультетида халқаро журналистика бўлимининг юзага келиши. 1999 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таркибида халқаро журналистика факультетининг ташкил этилиши.

Журналистларга таълим бериш йўналишлари. Бакалаврият, магистратура. Журналист кадрлар тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари. Журналист кадрлар тайёрлашнинг замонавий талаблари. Европа журналистика ўқитувчиларининг ассоциацияси томонидан 2006 йил 10 июнда қабул қилинган Декларациянинг моҳияти масалалари . Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Таълим ва малака ошириш: Вақтинча ва доимий иш жойи” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

3-модул. Журналистик касб тавсифи

Касб модели: вазибалари, функциялари, инъикос предмети ва таъсир объекти, фаолиятнинг ўзига хослиги, характери ва асосий турлари, меҳнат куруллари, воситалари ҳамда натижалари. Кадрлар таркибига қўйиладиган талаблар. Фаолиятнинг типлари: ижодий, адабий-информацион ва ҳ.к. Индивидуал ижодни жамоа ижоди билан уйғун олиб бориш. Журналистик фаолиятнинг устувор турлари: адабий-ижодий ҳамда маърифий, муҳаррирлик, режалаштириш ва ташкилотчилик, нашрлар ва телерадиодастурларни тайёрлашда қатнашиш ва ҳ.к.

Касбнинг ўзига хослик жиҳатлари. Фаолият шароити, меҳнат тартиби ва ритми: иш кунининг меъёрдан чиқиб кетиш хусусияти, долзарблик ва меҳнатнинг узлуксиз хусусияти, хизмат сафарлари, экстремал ҳолатларда иш кўриш, тунги навбатчиликлар. Ижодий жамоада ишлашнинг ўзига хосликлари. Касб билан боғлиқ судлашувлар. Журналистлар дуч келиши мумкин бўлган хавфлар. Касбга хос касалликлар.

Журналист шахси. Ижодий шахснинг белгилари. Журналист модели ижтимоий-демографик, касбий-ижодий, шахсий-психологик, гражданлик ва маънавий-ахлоқий хислатлар мажмуи сифатида. Ижтимоий-демографик белгилар: маълумоти даражаси ва типи, иш тажрибаси, жинси, ёши.

Психологик хусусиятлар. Шахс типи. Мизож. Тийнат. Тафаккур, хотира, диққат, тасаввур хусусиятлари. Қобилиятлар типи.

Ижтимоий-гражданлик ва маънавий-ахлоқий сифатлар: ижтимоий масъулият, принципалик, ҳақиқатпарастлик, турфафикрлилик шароитда ишлай олиш қобилияти, бағрикенглик. Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Таълим ва малака ошириш: Вақтинча ва доимий иш жойи” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

Касбий сифатларга қўйиладиган талаблар: ижодий қобилият, компетентлик, бохабарлик. Дунёқарашнинг кенглиги, лўнда, ёрқин, тушунарли ёза олиш; долзарблилик, холислик. Топқирлик, хушёрлик, чидамлилиқ, мардлиқ, шароитни тезда баҳолай олиш, жисмоний кучланиш талаб қиладиган экстремал шароитларда ишлай олиш хусусияти.

Талаба шахсининг хусусиятлари ва бўлғуси касбни танлаши. Шахслик хусусиятларини ривожлантиришда ўз-ўзини тарбиялашнинг роли. Ўз-ўзини тарбиялаш дастури. Дикқатини ва кузатувчанлигини, фикрлаш ва тасаввур қобилиятини ўстириши. Хотирасини кучайтириши. Психотренинглардан оқилона фойдаланиш.

Талабанинг ўқув юртидаги ўқиш шароитига кўникиши. Таълим жараёнида ақлий меҳнат маданиятини ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж. Меҳнатни илмий ташкил этиш (МИТЭ) — ақлга мувофиқ таълим олишнинг асоси. Ўқув жараёнида МИТЭни қўллашнинг ўзига хос томонлари. Талабалар ўқув фаолиятининг асосий вазифалари: бўлғуси касб учун зарур бўлган билимлар ва малакалар системасини яхши ўзлаштириш орқали шахсни шакллантириш; ўқув ҳамда профессионал вазифаларни ҳал қилган ҳолда, олинган билимлардан фойдаланиш қобилиятини ҳосил қилиш.

Ақлий фаолиятни ақлга мувофиқ ташкил этиш қоидалари: аниқ мақсад, меҳнатга қизиқиш, унинг самара келтириши муқаррарлигини кўзлаб режалаштириш ва ундан фойдаланиш; меҳнат учун қулай шароит яратиш, ишлашда фойдали стереотипларни истифода қилиш; меҳнат турларини ўзгартириш, ўз вақтида меҳнат қилиш ва дам олиш, ақлий жараёнларни фаоллаштириш. Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Таълим ва малака ошириш: Вақтинча ва доимий иш жойи” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

4-модул. Таълим шакллари

Ўқувнинг турлари ва шакллари. Ўқув жараёнида мустақил ишнинг роли. Маъруза ва унинг аҳамияти. Маъруза материални самарали қабул қилишнинг қоидалари. Маърузани ёзиб бориш техникаси. Семинарларга тайёрланиш. Ахборот манбалари. Тушунча ва истилоҳларни ўзлаштириш. Аудиторияда сўзлашга қўйиладиган талаблар. Баҳс маданияти. Амалий машғулотлар, ижодий устахоналарда шуғулланиш. Малакавий амалиёт. Амалиёт ҳисоботларини топшириш тартиби. Ўқув газетаси, ўқув теле- ва радиостудияси.

Ёзма ишларнинг турлари: назорат ишлари, реферат, курс ва малакавий-битирув ишлари ва ҳ.к. тадқиқот ишлари олиб бориш қоидалари. Ёзма ишлар учун манба излаш ва топиш. Адабиётлардан фойдаланиш. Режа тузиш. Ёзиш тартиби. Ёзма ишларнинг илмий тузилиши. Иқтибослар келтириш тартиби. Библиография. Китоб мутолааси. Мутолаа маданияти. Бир маромда ўқиш. Тез ўқиш. Конспект олиш тартиби. Конспектларнинг турлари. Талабанинг шахсий архиви. Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Таълим ва малака ошириш: Вақтинча ва доимий иш жойи” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

5-модул. Журналистикада касбий ихтисослашув ва универсаллашув

Журналистика касблар чоррахасида: муҳаррирлик, ноширлик, публицистлик, ёзувчилик, ташкилотчилик, таҳририят котиблиги.

Журналистикада универсаллашув, ихтисослашув масалалари. Матбуот, телевидение, радио, интернет журналистикаси, фотожурналистика, реклама, паблик рилейшнз, таҳрир-нашриёт иши, ОАВ иқтисоди ва менежменти, адабий-баддий танқид, спорт журналистикаси. Журналистик матн мазмуни ва шаклига қўйиладиган талаблар масалалари Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳасида тадқиқот ишларига ёндашув” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

6-модул. Ахборот алоқалари, журналистиканинг пайдо бўлиши тарихи

Ахборот – журналистиканинг асосий воситаси сифатида. Ахборот алоқаси шакллари инсоният тарихининг илк даврларидан бошланганлиги. Босма дастгоҳнинг пайдо бўлиши журналистика тараққиётида ўзига хос инқилоб ясаганлиги. Радио, телевидение, айниқса, интернетнинг кашф этилиши матбуотнинг ҳам кескин тараққий этишига туртки берганлиги. Журналистиканинг оммавий ахборот сифатидаги табиати, журналистика назариясида “оммавий ахборот” тушунчаси энг асосий, таянч тушунча эканлиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳаси бўйича мулоҳазалар” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

7-модул. Журналистика — ижтимоий фаолият соҳаси

Журналистик фаолиятнинг муайян ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларда, турли ижтимоий кучларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида кечиши. Журналистика – энг муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида. Журналистика, ўз табиатига, моҳиятига кўра, демократик асосларга таянадиган ижтимоий институт бўлиб, ҳуқуқий жамиятда у жадал ривожланадиган фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи — талабини адо этадиган, инсонпарварлик, қадриятларни қарор топтириш хусусиятга эга эканлиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳаси бўйича мулоҳазалар” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

8-модул. Журналист ОАВ субъекти сифатида

Эркинлик, зарурият, масъулият. Матбуот ва журналист фаолияти эркинлиги муаммоси – ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги. Эркин фаолиятнинг асоси – мустақил қарор қабул қилиш имконияти, иш-ҳаракат йўналиши ва усуллари танлашда мажбурийликнинг йўқлиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳаси бўйича мулоҳазалар” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

9-модул. Журналистика – ижтимоий институт сифатида

Журналистик фаолиятнинг муайян ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларда, турли ижтимоий кучларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида кечиши. Журналистика – энг муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида. Журналистика, ўз табиатига,

моҳиятига кўра, демократик асосларга таянадиган ижтимоий институт бўлиб, ҳуқуқий жамиятда у жадал ривожланадиган фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи — талабини адо этадиган, инсонпарварлик, кадриятларни қарор топтириш хусусиятга эга эканлиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳаси бўйича мулоҳазалар” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

10-модул. Матбуот ва журналистик фаолият эркинлиги

Эркинлик, зарурият, масъулият. Матбуот ва журналист фаолияти эркинлиги муаммоси – ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги. Эркин фаолиятнинг асоси – мустақил қарор қабул қилиш имконияти, иш-ҳаракат йўналиши ва усуллари танлашда мажбурийликнинг йўқлиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

11-модул. Журналистиканинг вазифалари

Вазифа (“функция”) ҳақида тушунча. Журналистика вазифалари системаси: мақсад – восита – ҳаракат усуллари, вазифа – натижа. Вазифаларнинг аввалбошиси унинг ахборот бериш табиатидан келиб чиққанлиги. Журналистика бажарадиган вазифаларнинг ижтимоий воқеликдан келиб чиққан ҳолда кўплиги ва ранг-баранглиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

12-модул. Журналистика принциплари

Журналистика принциплари ҳақида тушунча. Ҳаққонийлик, холислик – журналистиканинг энг муҳим принциплари. Мафкура соҳасида, ижтимоий-сиёсий фаолиятда, жумладан, журналистикада принциплар “асосий қарашлар, сиёсий эътиқодлар”ни англатиши. Ахборот моделининг воқеликка адекват (тўғри, мос) келиши ҳаққонийлик принципининг асосини ташкил этиши Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

13-модул. Журналистикада таъсирчанлик ва самарадорлик

Журналистика – ижодий фаолият соҳаси. Ижодий фаолият шартли равишда уч тур: муҳаррирлик, муаллифлик ва ташкилотчиликка ажратиб кўрсатиш мумкинлиги. Ахборот сиёсатини юргизиш, нашрнинг йўналиши, савияси учун жавоб бериш бош муҳаррир зиммасида эканлиги.

Журналистикада яхши натижага эришиш ва унинг йўллари. Журналистик меҳнатнинг семантик ва синтактик тарзи, жиҳатлари охир-оқибат пировард натижага бориб тақалиши. Ижоднинг таъсирчанлиги – журналистиканинг энг муҳим муаммоларидан бири эканлиги. Мақсад – масаланинг моҳиятини аниқ-равшан ва тўлиқ тушуниб етиш ҳамда шунга кўра йўл тутиши Martin Conboy. “Journalism Studies: The

Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

14-модул. Журналистика — оммавий ахборот воситалари тизими сифатида

Журналистика — ўз олдига қўйилган ранг-баранг вазифалар, оммавий ахборот воситалари, нашрлар, дастурлар ўртасида “тақсимланган” турли-туман вазифаларни ҳамкорликда бажарган тақдирда унинг фаолияти муваффақиятли бўлиши Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

15-модул. Интернет ОАВ тури сифатида

Интернет ОАВнинг энг кенжа авлоди эканлиги. Интернетнинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳозирги кунда интернет ўргимчак ипи каби бутун дунёни эгаллаб олганлиги. Унда матбуот, радио, телевидение ва бошқа барча соҳаларнинг фаолият юритишига улкан қулайликлар яратиш имкони борлиги. Интернет ОАВ га рақобат бўлмасдан, балки уни тўлдириши, унинг тараққиётига улкан ҳисса қўшиши мумкинлиги.

Интернет тарихидан. Интернетнинг инсон руҳияти, яшаш тарзи, тушунча ва қарашларига таъсири. Унинг устидан назорат ўрнатиш мумкин эмаслиги. Интернет тармоғини ривожлантириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар. Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада индустриал ўзгаришлар ва технологиялар” бобидаги манбалардан фойдаланилади.

16-модул. Журналистика жанрлари (турлари)

Журналистик ижодий фаолиятнинг типологик таснифи. Журналистик фаолият уч йўналишда – муҳаррирлик, ташкилотчилик ва муаллифлик соҳаларида олиб борилиши. Нашр этиш, мавзу ва муаммолар йўналишини белгилаш, материалларни таҳрир қилиш кабилар муҳаррирлик фаолиятга, оммавий ишлар, шартномавий алоқалар, реклама берувчиларни излаб топиш ва бошқалар ташкилотчилик фаолиятга, матнларни тузиш, газета саҳифаларини безаш, телерадио сюжетларни тайёрлаш кабилар муаллифлик фаолиятга тегишли эканлиги.

Воқеа-ҳодисаларни таъсирли ёрита олиши, таҳлилнинг чуқурлиги ва кенглиги, тасвирий-ифодавийлик воситаларидан фойдалана олишига кўра газета жанрлари уч турга бўлиниши: Ахборот, таҳлилий ва бадий публицистик жанрлар гуруҳи Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика соҳаси бўйича мулоҳазалар” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

17-модул. Журналистикада маркетинг алоқалари

Журналистиканинг самарадорлиги унинг маркетинг алоқаларидан унумли фойдалана олишига боғлиқлиги. Маркетинг алоқаларининг тўрт унсурдан: реклама, sales promotion(баҳосини тушириш йўли билан маҳсулотларни сотиш ва х.к.), public relations(жамоатчилик билан алоқа) ва хусусий савдо кабилардан иборат эканлиги.

Ҳозирги кунда унга яна турли хил янги тадбирлар (директ-маркетинг, кўрғазмалар, қадоқлаш, фирмалар услуги ва ҳ.к.) нинг келиб қўшилаётгани Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада индустриал ўзгаришлар ва технологиялар” бобидаги манбалардан фойдаланилади.

18-модул. Жаҳон масс-медиа тизими

Масс-медиа (масс коммуникейшн) тушунчаси. Жаҳон масс-медиа – системали воқелик сифатида. ОАВнинг жамиятда тутган ўрни ва функциялари. Жаҳон масс-медиа ва унинг мавжудлик хусусиятлари. ОАВнинг дифференциялашув ва интеграциялашув жараёнлари. Бу жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар. Масс-медиа системасининг типологик кўринишларини Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада индустриал ўзгаришлар ва технологиялар” бобидаги манбалардан фойдаланилади.

19-модул. ОАВ классификацияси ва халқаро журналистиканинг асосий тушунчалари

ОАВнинг иқтисодий мулкчилик турига кўра типлари, уларнинг ишлаш механизми, ОАВнинг шакл ва мазмунига кўра типлари(print journalism, broadcasting, internet – on-line journalism, cinema industry, advertising and public relations). ОАВ назариялари. Нашр типлари – теледастурлар оммавий ахборот воситалари муайян гуруҳининг модели сифатида. ОАВ типларини ташкил қилиш хусусиятлари: мақсадига ҳамда мўлжалланишига кўра типларга бўлиниши.

20-модул. Босма матбуот – Print journalism: газеталар

Халқаро газеталар бозори, дунёда газеталарнинг турлари: broadsheet, tabloid (yellow press); хафталик ва кундалик, маҳаллий ва умуммиллий нашрлар, дунёнинг етакчи газеталари, тахририятларнинг ишлаш тартиби, улардаги мутахассисликлар ва таянч тушунчалар Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада индустриал ўзгаришлар ва технологиялар” бобидаги манбалардан фойдаланилади.

21-модул. Print journalism: журналлар (magazines)

Халқаро журналлар бозори, журналларнинг турлари: ижтимоий-сиёсий, истеъмолчи, рангли ва ҳ.к. журналлар. Дунёнинг етакчи журналлари, тахририятларининг газеталардан фарқи, бугунги кунда соҳанинг аҳамияти ва юз бераётган ўзгаришлари Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

22-модул. Электрон ОАВ – Broadcasting journalism: ТВ

Телевидениенинг ОАВ системаси сифатидаги хусусиятлари. Дунёнинг етакчи телеканаллари, broadcasting journalism хусусиятлари, ТВ тахририятларидаги ўзига

хосликлар, networking(телетармоқлар) хусусиятлари, жамоатчилик телевидениеси Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада индустриал ўзгаришлар ва технологиялар” бобидаги манбалардан фойдаланилади.

23-модул. Электрон ОАВ – Broadcasting journalism: Радио

Радионинг ОАВ системаси сифатидаги хусусиятлари. Етакчи радиоканаллар, broadcasting journalism хусусиятлари, Радио тахририятларидаги ўзига хосликлар, жамоатчилик радиоси масалалари Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада индустриал ўзгаришлар ва технологиялар” бобидаги манбалардан фойдаланилади.

24-модул. Ахборот агентликлари

Ахборот агентликлари пайдо бўлишининг қисқача тарихи, уларнинг журналистика системасида тутган ўрни (“газета учун газета”), дунёнинг етакчи ахборот агентликлари, ахборот агентлиги тахририятининг ишлаш принциплари. Интернет — замонавий ОАВ тури сифатида. Унинг бошқа оммавий ахборот воситалари ва одамларнинг ахборот қабул қилиш жараёнига таъсири, интернет журналистикасининг ўзига хослиги Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистика чегараси: маҳаллий, халқаро, глобал” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

25-модул. Замонавий медиа-корпорациялар

Жаҳон медиа-маконида юзага келган замонавий халқаро медиа-корпорациялар ва медиа-магнатлар. Соҳадаги рақобат ва унинг оқибатлари. Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада ахборот-асосий маҳсулот сифатида” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

26-модул. Ахборот бозори ҳамда медиа-бошқарув хусусиятлари ва принциплари

Ўзбекистон ахборот бозори, юзага келаётган медиа-корпорациялар ва уларнинг фаолияти. Медиа-бошқарув хусусиятлари ва принциплари. Замонавий журналистика тенденциялари: медиа-концентрация, коммерциализация, дигитализация, специализация, индивидуализация. Медиа-бизнес асослари Martin Conboy. “Journalism Studies: The Basics” китобининг “Журналистикада ахборот-асосий маҳсулот сифатида” бобидаги бўлимлардан фойдаланилади.

Семинар машғулотлар

**Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича
кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

семинар машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
семинар машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

1. Талаба вақтини илмий тақсим қилиш
2. Китоб мутолааси
3. Ахборот алоқалари, газета ва журналлар тарихидан.
4. Журналистика системасининг асосий омиллари
5. Журналистиканинг маданий-ташкилий масалалари
6. Холислик ва ҳаққонийлик
7. Ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружи, ахборот ва ғайриахборот
8. Журналистика самарадорлиги
9. Журналистикада маркетинг алоқалари
10. Масс-медиа системасининг юзага келиши
11. Масс-медиаининг ҳудудий ва географик дифференциалашув принципи
12. ОАВ системасида таҳририят ихтисослашувининг ўрни
13. Ахборий жамиятда технологиялар тараққиётининг ОАВга таъсири
14. ОАВлар типларини ташкил қилишнинг принциплари ва хусусиятлари
15. Газета ва журнал нашр типи сифатида
16. телерадиоэшиттириш – системли объект сифатида
17. Ахборот агентликларининг вазифаси ва ОАВ системасидаги ўрни

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш

Курс ишини ёзиш 2 курснинг 1-семестрига мўлжалланган бўлиб, унда курс бўйича ўтилган барча мавзуларни ўз ичига қамраб олади ва талабаларга тақдим этилади.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

“Журналистика асослари” фанидан курс иши муаяйн мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий иш ҳисобланади. Курс иши жаҳон журналистикаси ривожланиши даражасига доир масалаларни акс эттиришга мос келиши талаб этилади.

Курс иши мавзунинг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга татбиқи, унинг услубий даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс

ишини бажаришнинг муҳим босқичи режада белгиланган саволлар ёритилишида ўзаро назарий ва амалий алоқадорликни таъминлашдир. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри шакллантириш талабага унинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўлларини, шунингдек, курс ишини тайёрлаш босқичларини кетма-кет бажаришга имкон яратади. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри ишлаб чиқиши талабага изланишнинг олдида кўйилган мақсад ҳамда натижаларини аниқ ифодалаш, фикрларни мантиқий баён этиш услублари ва курс ишини тайёрлаш босқичларини ажратиш имконини беради.

Курс иши талабанинг салоҳияти ҳамда фан бўйича чуқур билим ва амалий кўникмага эгаллигини намоён қилади. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммоларини, кўйилган вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда режа тузилади ва шу асосида бажарилади. Талаба курс иши бўйича изланиш натижаларини ёритишда аудитни ташкил қилишнинг ўзига хослиги, хорижий давлатларнинг тажрибалари ва орттирган амалий ютуқларни умумлаштирган ҳолда белгиланган муаммоларнинг ечими юзасидан йўл-йўриқларни ишлаб чиқади ва уларни бартараф этиш йўлларини тавсия этади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар кўйилади:

- муаммони библиографик таҳлил қилиш;
- курс ишини муаян тизимга келтирилган ҳолда расмийлаштириш;
- тўпланган материалларни танқидий ўрганиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муаян изчилликда баён қилиш;
- курс ишини кўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Журналистика асослари” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муаян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) мавзулар бўйича конспект (реферат, такдимот) **тайёрлаш.** Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

3) фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари

билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) мавжуд лаборатория ишларини такомиллаштириш, масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўлларини аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўғарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб боровчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб боровчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

- Журналистика – оммавий ахборот фаолияти соҳаси сифатида
- Журналистика – ижтимоий институт сифатида
- Матбуот ва журналистик фаолият эркинлиги
- Журналистиканинг вазифалари
- Журналистиканинг принциплари
- Журналистика – ижодий фаолият соҳаси сифатида
- Журналистикада таъсирчанлик ва самарадорлик
- Журналистика – оммавий ахборот воситалари тизими сифатида
- Телевидения оммавий ахборот воситаси сифатида
- Интернет ОАВ тури сифатида
- Журналист – оммавий ахборот воситаси субъекти сифатида
- Журналистика жанрлари (турлари)
- Таҳлилий ва бадиий публицистик жанрлар гуруҳи
- Журналистикада маркетинг алоқалари
- Ахборот алоқалари, газета ва журналлар тарихидан
- Журналистика тизимининг асосий омиллари
- Журналистикада демократия, плюрализм
- Журналистикада диалог, монолог. Журналистикада компрамисс, консенсус, цензура ва ҳ.з.
- Оммавий ахборотнинг табиати, моҳияти. Ахборот журналистиканинг асосий қуроли, воситаси сифатида

- Журналистика ОАВ тизими сифатида
- Журналистиканинг маданий-ташкилий вазифалари
- Журналистиканинг реклама-маълумот бериш, рекреатив вазифалари
- Холислик ва ҳаққонийлик журналистиканинг асосий принциплари
- Ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружи, ахборот ва ғайриахборот
- Журналистика самарадорлиги
- Матбуот ОАВ тизими сифатида
- Радио ОАВ тизими сифатида
- Интернет журналистикаси
- Журналистикада маркетинг алоқалари
- Ахборот агентликларининг вазифаси ва ОАВ тизимидаги ўрни
- Газета ва журналнинг пайдо бўлиш тарихи.
- Журналистиканинг асосий омиллари, журналистикада демократия, плюрализм, диалог, монолог.
- Журналистикада компромисс, консенсус, цензура масалалари.
- Оммавий ахборотнинг табиати, моҳияти, маданий-ташкилий вазифалари.
- Холислик ва ҳаққонийлик журналистиканинг асосий принциплари сифатида.
- ОАВда ахборот хавфсизлиги масаласи.
- Ахборот хуружи, ахборот ва ғайри ахборот.
- Журналистика самарадорлиги кўрсаткичлари.
- Журналистикаси ОАВ тизими сафатида.
- Broadsheet газетасининг жаҳон матбуотидаги ўрни (ихтиёрий танланган газета мисолида).
- Tabloid нашрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши (ихтиёрий танланган газета мисолида).
- “The Times”, “The Guardian” (ёки ихтиёрий газета) мисолида газета таҳририятлари тузилиши.
- Жаҳон етакчи журналлари муваффақияти омиллари (ихтиёрий танланган журнал мисолида).
- Хусусий радио ва телеканалларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши (ихтиёрий танланган канал мисолида).
- On-Line журналистикаси – янги тенденциялар.
- ОАВ бошқаруви тизимида янги тузилма – медиа корпорациялар.
- Ахборот агентликлари – газета учун газета.
- Ўзбекистонда медиа-бизнеснинг шаклланиши (маҳаллий медиа-корпорациялар мисолида).

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

- оммавий ахборот фаолиятининг умумий асослари, журналистик таълим, журналистика ижтимоий институт сифатида маъруза дарсларида замонавий компьютер

технологиялари ёрдамида такдимот(презентация) ва электрон-дидактик технологияларидан;

- журналистика назарияси, вазифаси, принциплари, Интернет ОАВ тури сифатида, журналистикада маркетинг алоқаларига оид мавзуларда ўтказиладиган семинар машғулотларда ақлий ҳужум, гуруҳли ишлаш, лойиҳалар устида ишлаш педагогик технологияларидан;

- Босма матбуот, журналлар, радио, телевидение, электрон ОАВ, ахборот агентликлари ва Интернет журналистикаси, халқаро журналистикадаги замонавий жараёнлар ва медиа-бизнес, замонавий медиа-корпорациялар, ахборот бозори ҳамда медиа-бошқарув хусусиятлари ва принциплари мавзуларида ўтказиладиган машғулотларда кичик гуруҳлар мусобақалари, муаммоли ёндашув, диалогик ёндашув педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Martin Conboy. Journalism Studies: The Basics. New York. USA. 2013.
2. An introduction to journalism by Richard Rudin & Trevor Ibbotson. Printed in UK, 2002.
3. Introduction to journalism by Dianne Smith. Printed in USA, 2010.
4. The handbook of journalism studies. Edited by Karen Wahl Jorgensen Thomas Hanitzsch. New York, 2009.

Қўшимча адабиётлар

1. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. СПб.: Изд. Михайлова, 1999.
2. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. - Т., 1998.
3. Цвик В. Л. Введение в специальности М.: Издательство ДИДМНЭПУ, 2000.
4. Корконосенко С. Г. Основы журналистики: учеб. пособие. – М.: Аспект-Пресс, 2001.
5. Мўминов Ф. А., Нурматов А.Н. ва бошқалар. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. Тошкент. Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006 йил.
6. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. –Т., 2002.
7. От книги до Интернета. Журналистика и мир на рубеже нового тысячелетия / Отв.ред. Я.Н.Засурский, Е.Л.Вартанова. М.: Изд-во Моск. ун-та, 2000.

Интернет сайтлари

1. <http://www.mediasprut.ru/media/media.shtml>
2. <http://journalism.narod.ru/>
3. <http://www.library.cjes.ru/online/>
4. <http://www.infohome-altai.ru/node/143>
5. <http://home.about.com/newsissues/>
6. <http://media.utm.ru/pages.php?pid=57&cid=42>
7. <http://www.journ.msu.ru/>
8. <http://www.journ.bsu.by/>